



Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри Чоршанба кунлари чиқади

- 2. Тишланган нонда азиз ўғлон ёди бор!
- 3. Истироҳат боғида аския авжига чиқди
- 4. Тожмаҳал — тошга битилган ишқ дostonи
- Хомийлик хусусида қонун кучга кирди
- Уруш асоратини аритгувчи меҳрдир
- Вафодор жонивор садоқати

Бугун мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни

Тошкент шаҳри «Маҳалла» байрамга бош

Байрам тадбирларини ўтказишда «Маҳалла» жамғармасининг бўлим ва бўлимчлари ҳам алоҳида ташаббускорлик кўрсатмоқда. Жумладан, жамғарманинг Юнусобод тумани бўлимчиси томонидан тумандаги Оқибат, Чоштепа, Минг ўрик, Шаҳрихон, Ғайратий, Ғуломмуҳаммад Абдуллаев номи маҳаллаларида ўтказилган тадбирларда узоқ йиллар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолият кўрсатган меҳнат фахрийлари ва уруш қатнашчиларига жамғарма ва фуқаролар йиғинлари томонидан совғалар тақдим этилди.



Тошкент вилояти Иккинчи жаҳон уруши тугагач, 11500 нафар жангчи ота маконига — Чиноз туманига қайтганди. Бугун уларнинг 81 нафаригина ҳаёт. Кеча туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимчиси томонидан тумандаги Ҳожиота маҳалласининг ҳашаматли гузарига уруш ва меҳнат фахрийлари учун тантанали тадбир ўтказилди. Фахрийлар Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ва биноан рағбатлантирилди. Бундан ташқари, ҳокимлик ташаббуси билан уларнинг ҳар бирига ўттиз минг сўмдан маблағ ажратилди ва топширилди.

СУРАТДА: туман ҳокими Нигмат Муҳаммадов (ўнгдан иккинчи) Даврон Полвонов, Мирислом Пирбарзаев, Муҳаммад Ғаниев ва бошқа фахрийлар даврасида. Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

“ҲАР КУНИМИЗ ҚАДР, ҲАР КУН ХОТИРА...”

Жангда жасорат, меҳнатда матонат кўрсатган фахрийларимиз ҳамиша эъзозда

Марҳумларни хотирлаб, тириклари қадрлаб яшаш — халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий анъана, асрий қадрият. Ўзбекининг хонадониди ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Қарияларимизни давраларининг тўрига ўтказамиз, эъзозлаймиз, ардоқлаймиз... Ёшлар — фарзандлар, невароу чеваралар эса хизматда. Ёши улуг инсонлар ўтирган даврада кичиклар таомга биринчи бўлиб қўл узатишмайди. Бунда ҳам ҳикмат бор: элим-юртим, уйим-жойим деб яшаган инсон бир кун келиб белидан қувват, танидан мадор кетганда фарзандлари иззатида бўлсин, фароғатда умр кечирсин, дегани бу асида.

Бугун юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиваси, фуқароларнинг қадр-қимматини юксалтиришга қаратилган жайрилишлар халқимизга хос ана шундай ибратли анъаналарнинг намунаси экани шубҳасиз.

Мана, Истиклол даврида Президентимиз Фармони билан ҳар йили 9 май санасини Хотира ва қадрлаш куни сифатида байрам қилиб келаётишимиз. Гузару хиёбонларга нурунийларимизни чорлаб, уларга меҳр-муруват, эҳтиром кўрсатиш жайрили анъанага айланди. Афсуски, орадан вақт ўтиб худди кечагидай байрамона давра атрофида тўлганганимизда фахрийларимиз сафи сийрақлашган бўлади. Кечагина бардам юрган отахонда эҳтимол, эртага аввалгидек тетиклики кўрмаймиз. Демак, ҳар дақиқа ғанимат, орамиздаги қадрдонларимиз ғанимат. Шу сабаб уларга ҳар қанча меҳр, саховат кўрсатсак ҳам оз.

Пойтахтимиздаги мухташам «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ўтказилган катта байрам тантаналарини кузатиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Бу ерда йиғилган 400 нафардан зиёд пойтахтлик уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар билан суҳбатлашиб, уларнинг бугунги тинч-осойишта, фаровон ҳаётимизга шўкрона сўзларини тингладик.

— Мен Иккинчи жаҳон урушида миномёт

остиди қолиб, оғир ярадор бўлганман, — дейди Чилонзор туманида яшовчи уруш фахрийси Юсуф ота Латипов. — Бунинг асоратларини ҳали-ҳануз сезаман. Аллоҳга шўқри, маҳалладошлар оқибатли, қўни-қўшилар кун-қунора ҳол сўрашди. Ҳўқуматимиз ҳам биз қарияларга ғамхўрлик кўрсатишдан чарчамапти. Йиғинларда, тадбирларда давранинг тўри бизники. Қолаверса, яқинда эълон қилинган Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳам фахрийларимизга бўлган юксак эҳтиром тасдиғи бўлди. Демак, биз учун ҳар кун байрам, ҳар соат, ҳар дақиқа хотира ва қадрлаш дамлари.

Юсуф ота 81 ёши қоралабди. Шу ёшида ҳам эл-юртга хизмат қилишни шараф деб билади. Отахон айна дамда Республика Амалий физика институтига иктисодчи бўлиб ишлаётганини эшитиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Тадбир давомида нурунийларимиз уруш хотираларини эсладилар. Марҳум сафдошлар, жангтоҳларда халқ бўлган юртдошлар номи ёдга олинди.

— Иккинчи жаҳон уруши қирғинбаротлари бутун дунё аҳли, ёшлари учун сабоқ, — дейди тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов. — Ҳар гал ўша машўум воқеалар ёдга олинар экан, замон-

дошларимиз, ёшларимиз бугунги осойишта ҳаётимизнинг қадрини англайди. Истиклолга шўкрона айтади. Айна дамда юртимизда истикомат қилаётган 18 мингдан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 227 минг нафар фронтоти меҳнат фахрийлари ўша машаққатли йиллари бошидан кечирган инсонлар сифатида ҳам, ёши улугларимиз сифатида ҳам эъзозланмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, Ўзбекистон фахрийлари қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси маркази кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркин Бокқиев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарид Абдураҳимов ҳамда бошқа бир қатор давлат ва жамоат арбоблари, санъаткорлар иштирок этиб, фахрийларимизни байрам билан муобракбод этишди.

Хотира ва қадрлаш маросимида кимнингдир кўзидан шундай дорилмон куларни кўриш насиб қилганидан севинч ёшлари қалқиса, кимдир урушда бедрак йўқолган биродарларини хотирлаб кўзига ёш олди. Аммо байрамона кайфият ҳеч кимни тарқ этмади. Тадбир давомида фахрийларга тўқин дастурхон ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди ҳамда тадбир ташкилотчилари ва хомийлар томонидан совғалар топширилди.



«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов тадбирда иштирок этган фахрийлардан бири билан.

Фаррух БЎТАЕВ, Наргис БЕРДИБОВЕВА.

Қарор ва ижро ФЕРМЕРЛАР УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Uzbekistan AGROMINITECH — 2007» қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнология ва иҳчам ускуналар II-Халқаро иҳтисослаштирилган кўргазма-савдоси очилди.



Тадбир Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер ҳўжалилари уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фермерликни ривожлантириш, деҳқонларнинг мулкка эғалик ҳиссини қучайтириш, аграр тармоқда замонавий технологиялардан оқилона фойдаланишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 августда қабул қилинган «Қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва иҳчам ускуналарнинг Халқаро иҳтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

— Мазкур қарор асосида ўтган йилнинг 21 октябридан 1 ноябргича ташкил этилган биринчи кўргазма-савдода жаҳоннинг 26 мамлакатидан қишлоқ ҳўжалиги учун техника ва жиҳозлар ишлаб чиқарадиган 185 компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этганди, — дейди Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси Соҳибжон Қобилов. — Уни 14 мингга яқин фермер ва қишлоқ ҳўжалик соҳаси вакили келиб кўргани ва улар томонидан маҳсулот олдир-сотишга оид қарийб 198 миллиард сўмлик ҳўжат имзолангани бундай тадбирларга мамлакатимизда нечоғлик катта эҳтиёж борлигини кўрсатди.

Иккинчи халқаро кўргазма-савдода икки юзга яқин хоржий етакчи фирма ва компания ўзининг замонавий технологиялари ва хизматларини намойиш этмоқда. Хусусан, павильонларда сифатли маҳсулотлари билан фермерларимиз эътиборини қозонган Германия, Венгрия, Россия, Украина, Исроил ва Беларусь сингари мамлакатларнинг етакчи компанияларининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш минитехнологиялари ва ускуналарини учратиш мумкин. Ушбу халқаро тадбирда



мамлакатимиз фермерлари фаол иштирок этмоқдалар. Буни кўргазма очилган куннинг ўзида юздан ортиқ шартнома имзоланганидан ҳам билса бўлади.

— Кўргазмадан мева-сабзавот, узум ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш-ўраш, иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этиш технологияларидан то ўсимликлар ҳимояси учун зарур кимёвий воситаларгача жой олгани бизни жуда қувонтирди, — дейди Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Умид-орзу ниҳоллари» агрофирмаси раҳбари Норкул Норқулов. — Биз мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қуритиш ҳамда улардан шарбат тайёрлайдиган замонавий технология сойтиб олмақчимиз.

Дарҳақиқат, кўргазмада иштирок этиш, нафақат фермерлар, балки уларга ўз минитехнологияларини тақлиф этаётган хоржий компаниялар учун ҳам фойдали. Давлатимиз раҳбарининг юқориди номи қайд этилган қарорига биноан, минитехнологиялар ва иҳчам ускуналарнинг намуналарини мамлакатимизга вақтинча олиб кириш ҳамда шартнома асосида фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, агрофирмаларга сотишда қулай шароит яратиш учун улар истисно тарихида икки йиллик муддатгача божхона тўловларидан озод этилган. Бу фермерларимиз харид қиладиган техника ва технологияларнинг нарҳига ҳам ижобий таъсир этиши, шубҳасиз.

Сайёра ШОЕВА, УА шарҳловчиси.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади
Ушбу Қонуннинг мақсади хомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
Хомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганда бошқа қонунлар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар
Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қўнғилилар — хомийлик олувчининг ёхуд хомийлик ташкилотининг манфаатларини қўзғаб бепул ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклидаги хомийликни амалга оширувчи жисмоний шахслар;

хомийлар — хомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

хомийлик (хомийлик фаолияти) — юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулк, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ ХОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

ифодаланадиган иҳтиёрй беғараз ёрдами (фаолияти);

хомийлик олувчилар — хомийлик олувчи юридик ва жисмоний шахслар;

хомийлик субъектлари — хомийлар, қўнғилилар, хомийлик ташкилотлари, шунингдек хомийлик олувчилар;

хомийлик ташкилоти — жамиятнинг, айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини қўзғаб хомийлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти;

хомийлик хайриялари — хомийлик мақсадларига йўналтирилган мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари.

4-модда. Хомийлик мақсадлари
Хомийлик куйидаги мақсадларда амалга оширилади:

— фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳолини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш; жалқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувчиликни мустақамлашга қўмаклашиш; оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустақамлашга қўмаклашиш; оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга қўмаклашиш; таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахсининг маънавий камол топишга қўмаклашиш; қаралликлар профилактикаси ва фуқаро-

лар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга қўмаклашиш;

аҳолини табиий офатлар, экология, санъат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш; террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, санъат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш; маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ хомийлик бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тижорат ташкилотларига, сийёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағларчи ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларни қўллаб-қувватлаш хомийлик ҳисобланмайди.

Сайловоти ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар буйича ташвиқот мақсадида хомийлик қилиш таъқиқланади.

Қонунга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни хомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш таъқиқланади.

Давоми 2-саҳифада

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнига қолган мўддатини учун обуна давом этмоқда. Шошилини! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайеурган афзал.

Mahalla Тахририйат манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93 Тел/Факс: — 133-44-25 Маскул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62

Хомий: «Матбуот тарғатувчи» хиссадорлик жамияти

«М.А.» — белгиси остида реклама-тижорат мақсадлари берилди.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Жангда жасорат, меҳнатда матонат

"ХУЖАКЕНТ"да обод бўлган кўнглимлар

Тошкент вилояти



Шу йилнинг 27 апрелида қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Президентимиз Фармони юртимиз фахрийларига кўрсатилаётган юксак рағбатлик намунаси бўлди.

Айни кунларда Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳдаги тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳам Бўстонлик туманидаги "Хужакент" пансионатида байрам тадбири уюштириб, 300 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийларига меҳр-муруват кўрсатди. Шу кўни «Тошкент-Хужакент» махсус поевзди фахрийлар хизматида бўлди.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Бухоро вилояти

УЧРАШУВ МАНЗИЛИ — НАВРАБОТ

Жондор тумани маҳалларида ҳам Хотира ва қадрлаш кўни кенг нишонланмоқда. Жумладан, Навработ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийларига байрам дастурхони ўтказилди.

Тадбир маҳалла оқсоқоли Рамазон Ҳамроев ташаббуси ҳамда маҳалла тадбиркорлари ҳомийлигида ташкил этилди. Унда иштирок этган нуруний отахону онахонларни «Маҳалла» жағмармасининг вилоят бўлими раиси Бехбуд Жумаев, «Нуруний» жағмармаси туман бўлими раиси Фарход Қариқовлар муборакбод этиб, уларга совға-саломлар улашди. Вилоятдаги барча маҳаллалар фаолларининг саъй-ҳаракати билан вилоятдаги 985 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Барча ўқув даргоҳларида фахрийларнинг ёшлар билан учрашувлари ташкил этилди.

Ҳамроз АЛИ, "Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенеси раиси М.Ерниёзов раҳбарлигидаги уруш ва меҳнат фахрийларидан иборат гуруҳ байрам арафасида қорхоналар, жамоа хўжаликлари ва ўқув маскалларида бўлдилар. Дастлабки таширф Осийда ягона ҳисобланган Қўнғирот сода заводида бўлди.

ҚАОЛЛИҚДА ИБРАТ ФАХРИЙЛАР

Бир кеча-кундузда 160 тоннагача кальцийли сода ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур гигант қорхона ишчилари учун Устюрт саҳроси кўйида қад ростлаган Элобод шаҳарчаси ва унда аҳоли учун яратилган қулайликлар, мактаб, болалар боғчаси, тиббий марказ, маиший хизмат кўрсатиш мажмуи, Германия технологияси асосида ишлаётган ноновойхоналар фахрийларда катта қизиқиш уйғотди.

Фахрийлар Хўжайли шаҳридаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан ҳам учрашдилар. 160 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган мазкур даргоҳда барча шароитлар муҳайё этилган. Меҳрталаб болажонларга

рангли телевизор, ўйинчоқлар ва кийим-кечаклар совға қилинди. Ўз навбатида тарбияланувчилар ҳам концерт дастурлари билан йўлчиларни хушнуд этдилар.

Фахрийлар бундан ўттиз йил муқаддам Хоразмшоҳларнинг дастлабки қароргоҳи—Тупроққалъа атрофидаги қаровсиз ерларни ўзлаштириб, янги туманга асос солган эллиққалъалик деҳқонлар хузурида бўлиб, уларнинг бу йилги режалари билан танишдилар. Шунингдек, Отаҳон Худойшукуров номидаги санъат коллежидидаги учрашув ҳам байрамона руҳда ўтди.

Асил БЕК, "Mahalla" мухбири.

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

5-модда. Ҳомийликни амалга оширишга бўлган ҳуқуқ

Юридик ва жисмоний шахслар ҳомийликни ихтиёрий равишда ҳамда монеликсиз амалга оширишга ҳақли.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳомийликни яққа тартибда ёки бирлашиб, ҳомийлик ташкилотини ташкил этган ёхуд ташкил этмаган ҳолда амалга оширишга ҳақли.

Ҳомийлар ўз ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш мақсадлари ва тартибини белгилашга ҳақли.

2-БОБ. ҲОМИЙЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ

6-модда. Ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли

Ҳомийлик ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат фонди шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Ҳомийлик ташкилотининг номи "ҳомийлик" деган сўзни ўз ичига олган бўлиши керак. Ҳомийлик ташкилотининг номи бошқа ҳомийлик ташкилотларини айнан бир хил деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас. Ушбу қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида "ҳомийлик" сўзидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Ҳомийлик ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланувчи уюшмаларга (иттифоқларга) ва ўзга бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

7-модда. Ҳомийлик ташкилотининг муассислари

Ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб юридик ва (ёки) жисмоний шахслар уларнинг муассислари бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек давлат унитар қорхоналари, давлат муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳомийлик ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

8-модда. Ҳомийлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Ҳомийлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ақлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ақлия органнинг ҳомийлик ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарори, шунингдек мазкур органнинг давлат рўйхатидан ўтказиш мuddатларини бузганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

9-модда. Ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки

Бинолар, ер-участкалари, транспорт, иншоотлар, асбоб-ускуналар, пул маблағлари, қимматли қозғалар ва бошқа мол-мулк, шунингдек акборот ресурслари ва ўзга интеллектуал фаолият натижалари ҳомийлик ташкилотининг мулки бўлиши мумкин.

Ҳомийлик ташкилоти ўзида бўлган мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларида, ташкилотнинг устави ва ҳомийлик мақсадларида зид бўлмаган ҳар қандай битим тузишга ҳақли.

Ҳомийлик ташкилоти ўз таъминоти (шу жумладан фаолияти билан боғлиқ барча харажатлари) учун молия йилда ўзи сарфлайдиган молиявий маблағларнинг кўпи билан 20 фоиздан фойдаланишга ҳақли. Ушбу чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга

нисбатан қўлланилмайди.

Ҳомийлик ташкилоти кўнгиллиларнинг ушбу ташкилотдаги фаолияти билан боғлиқ харажатларини (хизмат сафари, транспорт харажатларини ва бошқа харажатларини) тўлаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадили жағмармалари ҳомийлик ташкилотининг ҳисоб-вақоғига тушган маблағлардан фақат бу маблағларни ажратиш чоғида назарда тутилган ҳомийлик мақсадлари учун фойдаланилади.

Ҳомийлик ташкилотларига берилган ҳомийлик хайрияларидан фақат ҳомийлик мақсадида фойдаланилади ва бу хайриялардан ҳомийлик ташкилотларини сақлаш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки бу ташкилотнинг муассисларига ёки аъзоларига бошқа шахсларга сотилиши ёхуд берилишига қараганда қулайроқ шартларда сотилиши ёки берилиши мумкин эмас.

Ҳомийлик ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунда белгиланган тартибда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

10-модда. Ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари

Ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари кўйидагилар бўлиши мумкин:

ҳомийлик ташкилоти муассисларининг бадаллари, аъзоликка асосланган ҳомийлик ташкилотлари учун эса аъзолик бадаллари; юридик ва жисмоний шахсларнинг пул ва (ёки) бошқа мол-мулк шаклидаги ҳомийлик хайриялари;

акциялар ва бошқа қимматли қозғалардан олинган даромадлар;

қонун билан рўхсат этилган тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар, шу жумладан ҳомийлик ташкилоти таъсис этган тижорат тузилмаларидан тушган тушуллар;

ҳомийлар ва кўнгиллиларни жалб этиш, шу жумладан ҳомийлик хайриялари йиғини мақсадида ўтказиладиган кўнгличлар, маданий, спорт тадбирлари ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этиш кампанияларини ўтказишдан тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лотерейлар ва ким ошди савдолари ўтказишдан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадили жағмармалари маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушуллар.

11-модда. Ҳомийлик дастури

Ҳомийлик дастури ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган ва мазкур ташкилотнинг устивда белгиланган мақсадларига мос келадиган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Ҳомийлик дастури мўлжалланган тушуллар ҳамда режалаштирилган харажатлар сметасини (шу жумладан ҳомийлик дастурини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг

ЎТГАНЛАРГА ДУОИ РАҲМАТ, ҚОЛГАНЛАРГА ҲУРМАТ У ИЗЗАТ

Галларол туманидаги Гўбдин қишлоғилик уруш ва меҳнат фахрийси, марҳум Соат Ирсебоев умрининг сўнгги йилларида ҳиммат кўрсатиб, боғ яратган экан. Боғда битган ширин-шакар меваларни еганда қишлоқдошлари ҳар сафар Соат отани яхши сўзлар билан хотирлаб, руҳини шод этишад.

Нуруний кексалар Соат отанинг бу боғни қандай бунёд қилгани ҳақида ибратли ҳикоялар сўзлашади. Отаҳон бутун умри давомида боғбонлик қилган, ҳаётини боғ-роғларсиз тасаввур этолмаслигини ҳар дамда таъкидлаб, ҳаммани боғ яратишга ундаб яшаган экан. Қазои қадри отганини тушунгач, шундай васият қилибди: "Мен оламдан ўтсам, кафтимга ўрик данагини қўйиб дафн этинглар, токи баҳорда униб чиқайин..."

Мана, бугун умрини дарахтларга пайваста қилган бу инсон парваришлаган ҳар бир дарахт одамларга эзгу ишлар қадр-қимматини англапти тургандай...

Қишлоқдаги хонадонларнинг меҳробиде фронтга жўнаб кетаётган кадрдонларга тишлатиб қолинган нонлар ҳамон осийлик турибди. Қоқ қуруқ нон хали ҳам жуда кўп воқеаларни эсга солади. У хонадон учун азиз ва муқаддас. Шу нонни тишлаб кетган ўғлоннинг хоки бугун олисларда ётибди. Чилеи қишлоғидан фронтга жўнаган

Урол Раҳматов урушдан қайтмаганди. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги қардошлик қабристонига қўйилган ўзбек ўғлонининг исми дунёни фашизм балосидан сақлаб қолишда минглаб ўзбекистонликлар кўрсатган жасоратни намойиш этиб турибди. Унинг фарзанди Назар ака ҳар йили Хотира ва қадрлаш кўни арафасида олис шаҳри азиямга бориб, отасининг мазорига гуллар қўяди...

Даврон Йўлдошев номли агрохизмат марка-



Жиззах вилояти

* Кафтида ўрик гуллаган боғбон...
* Тишланган нонда азиз ўғлон ёди бор!
* "Хайрли иш қилай, савоби отамга теғсин!"

зида Абдуҳамид Норматов исмли фермер галла этиштиради. У яқинда "Ташаббус — 2007" кўрик-танловида қатнашиб, фахрли ўринни эгаллади. У фермер ҳужалигини падари шарафига "Ҳоликназар ота" деб номлаган. Нияти — отаси шарафига номланган фермер ҳужалиги далаларида мўл ҳосил этиштириб, даромадидан хайр-саховатли ишларни кўпроқ қилса-ю, савобини отасининг руҳига бағишласа. Ҳоликназар ота ҳам уруш йилларида фронтда жасорат кўрсатган эди. Мана, Хотира ва қадрлаш кўнида отанинг мардона хизматлари яна бир бор эътироф этилмоқда, руҳига дуолар айтилмоқда...

Йилдан-йилга Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, меҳнатда фидойилик қилган фахрийларимиз сафи сийрақлашиб бормоқда. Бу ўринда ҳуқуқимиз ва Юртбошимиз томонидан уларга алоҳида иззат-икром кўрсатилаётгани одил ва хайрли ишдир. Қоронгул қишлоғида яшовчи Файзулла Нарзуллаев бу йил 85 ёшни қаршилади. Унинг 8 нафар фарзанди, 60 дан ошиб неварани, чеваралари бор. Бардамгина бу отахон ҳамон меҳнат қўчғида, кўчат этиштириб, эл-юрт хизматида яраб турибди.

Шундай дорилмомон кўнларни, фарзандларим камолини кўрганам учун Яратганга беҳад шукрлар айтаман, — дейди отахон. — Ҳар бир инсон қариганда қадр топсин экан. Мана, бир томондан ҳуқуқимиз, бир томондан маҳалладошларим ва фарзандларимнинг иззат-ҳурматида яшайман. Ниятим, юртимиз тинч бўлсин, танимда жоним борича озми-кўпми эл хизматида бўлайин!

Пардабой ТОҶИБОВ

Самарқанд вилояти

САРДОШЛАР ДИЙДОРЛАШИДИ

Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Самарқанд шаҳрида вилоят раҳбарлари, ўқитувчи ва талабалар, нуруний отахону онахонлар иштирокида ўтганлар хотираси ёдга олиниб, Мотамсаро она ҳайкали пойиза гуллар қўйилди. Жангу жадалларда елкама-елка туриб жанг қилган сардошлар дийдорлашди.

— У кўнларни биз кўрдик, фарзандларимиз кўрмасди, — дейди Самарқанд туманидаги Чорбоғ маҳалласида истикомат қилувчи саксон уч ёшли отахон Норбоё Норкулов. — 1942 йил урушга жўнаганим. Шундан сўнг уч марта ярадор ҳолда юртимга қайтдим. Шукрки, бугун ўша аянчли кўнлар ортда қолган. Мустақил юртда, осойишта даврда яшаймиз. Беш ўғил беш қизим, 45 неварою 34 нафар чеварам ардоғида, юртдошларим, маҳалладошларим эъзозиде ҳаёт кечираймиз. Ўз навбатида Президентимиз, ҳуқуқимиз томонидан биз қарияларга кўрсатилаётган қадр эътибордан ҳам чексиз миннатдорим.

Айни кўнларда вилоятнинг барча маҳаллаларида байрам тадбирлари ўтказилиб, жангоҳларда ҳалок бўлган юртдошларимизни хотирлаб, уларнинг оила аъзоларига байрам совғалари улашмоқда.

Рустам ҲАЙИТОВ, "Mahalla" мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ ҲОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

ва чет эл ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳомийлик фаолияти

Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, халқаро ва чет эл ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳомийлик ва кўнгиллилик сифатидаги фаолиятини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширишлари мумкин.

Чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек халқаро ва чет эл ташкилотларининг ҳомийлик хайрияларидан мақсадида фойдаланилиши мониторингини олиб бориш ҳамда бундай хайриялардан мақсадида фойдаланилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-БОБ. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

19-модда. Манфаатлар тўқнашуви

Ушбу Қонунда манфаатлар тўқнашуви деганда ҳомийлик ташкилоти ва манфаатдор шахслар (мазкур ташкилот бошқаруви органларининг ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслар, аъзолари, уларнинг яқин қариндошлари ёки кредиторлари, шунингдек ўзларининг ҳомийлик ташкилоти билан ўзаро муносабатлари оқибатида ташкилотнинг мол-мулкини тасарруф қилишга таъсир этиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаат кўриш мақсадида ташкилот билан шавсан ёки ўз вақиллари орқали ҳамкорлик қилувчи юридик ва жисмоний шахслар) ўртасида амалга ошириладиган, ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкини тасарруф этишга дахлдор бўлган, ҳомийлик фаолиятининг манфаатлари ҳамда мақсадларига мос келмаган ёки мос келмаслиги мумкин бўлган битимлар ва (ёки) операциялар эътироф этилади.

Ҳомийлик ташкилотининг манфаатдор шахслар билан битимлар тузишига, шунингдек ҳомийлик ташкилоти томонидан манфаатдор шахслар фойдага бошқа харажатлар амалга оширилишига ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқаруви органи розилиги билан йўл қўйилади.

Манфаатлар тўқнашуви чоғида вужудга келадиган низолар ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқаруви органи томонидан, келишувга эришилган тақдирда эса суд томонидан ҳал қилинади.

20-модда. Низоларни ҳал этиш

Ҳомийликни амалга ошириш соҳасида юзга келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

21-модда. Ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

22-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамаси:

ҳуқуқат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш;

23-модда. Ушбу Қонуннинг қўчга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўчга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 2 май № УРҚ — 96

Кўрсатган фахрийларимиз ҳаммиша эъзозда

Яхшидан яхши ном қолади...

Сурхондарё вилояти

Киши улгайгани сари ёшликдаги хотираларини бот-бот эсласи келади... Айни пайтда хотирини ёд, руҳини шод этмоқчи бўлганим — ўсириллик йиллардаги дўстим, меҳнат жабҳасида ярим асрга яқин бақамти хизмат қилган жонқуяр ва ташкилотчи инсон Нормамат Аъзамовдир.

Камтарин, доно, меҳнаткаш, мақсад сари интилувчан, қалби эзгуликка ошно киши эди у.

Нормамат Аъзамов дастлабки иш фаолиятини Бойсун шаҳридаги 1-ўрта таълим мактабида бошлаган эди. Билим даргоҳида ўз касбининг устаси, зукко педагог эканлигини амалда кўрсатди. Нормамат ўқувчиларга пухта билим бериш билан бир қаторда жамоатчилик ишларида ҳам фаол эди. Ёшлар ташкилоти фаолиятига ўз ташаббуслари ва гоъялари билан яқиндан ёрдам берди. Ҳатто мактаб қошидаги драма тўғрагининг аъзоси сифатида турли спектаклларда роллар ҳам ижро этган.

Нормамат 28 ёшида туман ёшлар ташкилотига етакчилик қилди. Билимга чанқок,

юксак ташкилотчилик маҳоратига эга бўлган бу инсон кейинчалик ҳам узоқ йиллар масъул лавозимларда ишлаб, Бойсуннинг иқтисодий, маданий тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Пенсияга чиққач, шаҳардаги катта бир маҳаллага оқсоқоллик қилди. Маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилган чоғида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга оширди. Халқнинг турмушини янада фаровон қилиш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилди.

Халқимизда "Яхши инсондан яхши фарзанд ва яхши ном қолади", деган ибратли гап бор. Бу нек хикмат Н.Аъзамовга ҳам тааллуқли десак, муболага бўлмайди. Негаки, Нормамат Аъзамов

турмуш ўртоғи Рухсатой ая билан 11 фарзандни тарбиялаб, вояга етказди, уларни олий маълумотли, касб-хунари қилди. Фарзандларининг бири адиб-журналист, бири муҳандис, яна бири эса ҳаким, ўрмончилик соҳаси мутахассиси, иқтисодчи, педагог, хуллас, турли касб эгалари. Айни пайтда уларнинг етук мутахассиси сифатида фаолият юритиб, юртимиз равнақига ҳисса қўшиб келмоқда.

Нормамат Аъзамов вафотидан сўнг орадан 12 йил ўтди. Аммо унинг қилган эзгу ишлари бойсуликлар ҳаётида ўчмас из қолдирган. Шу боис маҳалладошлар кенгашиб, Нормамат аканинг номини абадилаштириш мақсадида маҳаллага унинг номини беришга қарор қилишган. Мана, ўн йилдан ошибдики, мазкур маҳалла йиғинининг биринчи оқсоқоли — Нормамат Аъзамов номи билан атаб келинмоқда.

Омон ШУКУРОВ, «Mahalla» мухбири.



Тошкент шаҳри

Ҳамза туманидаги 150 ўринга мўлжалланган Геронтология марказида уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар саломатликларини тиклаб, даволандилар. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ушбу марказда байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбир "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими ва "Маҳалла" жамғармаси Ҳамза тумани бўлинмаси томонидан ташкил этилди.



Қашқадарё вилояти

САИД БОБО ҲИТЛАРИ БИЗ ЁШЛАРНИ БАРКАМОЛЛИККА УНДАЙДИ

Косон туманидаги Оброн қишлоғида туғилган Саид бобо Ашмардонов 18 ёшида тенгдошлари билан бирга фронтга жўнаб кетди. У 1944 йилгача жангларда мардонвор иштирок этади, сўнгра оғдидан ярангани боис қишлоғига қайтди.

Саид бобо қишлоғимиз ёшларини атрофига тўлаб, жангу жадаллар тафсилотлари ва олис юртларда кўрган-кечирганлари ҳақида хикоя қилиб берадилар. Биз уларни тинглаб ақамиз, тинчлик ва осойишталик йўлида жонини ҳам аяманга боболаримизнинг мардлиги ва жасуригидан ҳайратланиб, уларга ҳавасимиз келади. Бирок Саид бобо бизларга:

— Болаларим, Аллоҳга шукри, сизлар бугун фаровон кунларда улғайиб-ўсаёйсизлар. Тўғри, ўша урушда ҳалок бўлган ҳамюртларимизнинг жасуригига ҳавас қилсангиз арзийди, аммо урушнинг машъум кунларини биз кўрдигу, сизлар зинқор кўрмангиз, — дейди. — Сиз мустақил Ватанимиз ёшларисиз. Сизлар яхши билим олиб, аёло баҳоқларга ўқинг. Ақл-идроқингиз, билимингиз билан Ўзбекистоннинг довруғини дунёга таратадиган ўғлонлар бўлишингиз даркор.

Дарвоқе, уруш тугагач, Саид бобо қишлоқдоши Баҳор аяга уйлانган. Мана, 61 йилдирки, улар бирга бахтли ҳаёт кечирмоқда. Беш фарзандни тарбиялаб, катта қилишган. Айни пайтда Саид бобо ва Баҳор ая фарзандларини набиралари, маҳалла-қўй ардоғида қишлоғимиздадаги бошқа оилалардан ўрнак олишади.

Саид бободек кексаларни ҳадрлаб, уларни ардоқлаш, жангдошларда ҳалок бўлган ота-боболаримизнинг пок руҳларини ёд ва шод этиш биз ёшлар учун муқаддас бурчдир, деб биламиз. Биз боболаримиз, аждодларимизнинг қаҳрамонликлари билан фахрланамиз.

Жобир ИСМАТИЛЛАЕВ, Косон туманидаги 11-иқтисодлашган мактаб-интернат ўқувчиси.

Фарғона вилояти

Бағдод тумани шахмат ишқибозларининг талаб ва истаклари ҳамда Муқимий номли маҳалла фуқаролар йиғини ташкилотчилигида ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида туман ривожига муносиб ҳисса қўшган ҳамюртларимизни хотирлаш мақсадида шахмат бўлимига туман биринчилиги беллашувлари ўтказиб келинади.

ФАХРИЙЛАР ДОНА СУРАИ

Жорий йилги турнир меҳнат фахрийси Сотволди Йўлдошев хотирасига бағишланди. Икки кун давом этган мазкур муسابақада 30 нафар шахмат ишқибозлари иштирок этишди. Улар орасида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам бор эди. Қизгин беллашувларда энг кўп очко тўплаган Жўравой Камолов биринчи, Исмоил Абдурахимов иккинчи, Зокиржон Тиллаев эса учинчи ўринни эгаллади.

Ҳалиблар "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, Сотволди Йўлдошевнинг фарзандлари ҳам турнирнинг фаол иштирокчиларига ўз совринларини топширишди.

Ўткиржон ҲАЙДАРОВ, Муқимий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

СОБИҚ ЖАНГЧИ — ФАОЛ МАҲАЛЛАДОШ

Ҳайдарали Қўзибоев Марказий Фарғонанинг Ёзёвон қишлоғида туғилган. Қишлоқ мактабининг битиргач, далада ишлади. Уруш қизгин паллага кирган 1942 йилнинг кузида урушга қақарилади.



Ҳайдарали Қўзибоевнинг хизматдаги жасорати ва ҳарбий салоҳияти инobatта олиниб, урушдан кейин ҳам ҳарбий ходим сифатида узоқ ўлкада олиб қолинди. 1950 йилгача ички қўшинлар хизматида бўлди. Сўнгра Фарғонага қайтиб келиб, шаҳар ички ишлар бўлимида иш бошлади. Кейинчалик Марғилон темир йўл станциясида милиция бўлими бош нозир, Ёзёвон тумани ташкил қилинган, туман ички ишлар бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаб, подполковник унвонига эга бўлди.

Ўттиз олти йил ҳуқуқ-тартиб тизимида фидойилик билан ишлаган Қўзибоев пенсияга чиққандан буён, туман ва маҳаллалар ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Бир неча йил "Нуроний" хайрия жамғармасининг туман бўлинмаси раиси вазифасида ишлаб, уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди.

83 ёшли Ҳайдарали Қўзибоев бугун қарилқаш гаптини сураятти. Лекин у ҳануз тиниб-тинчимайди. "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари фаолиятида фаол қатнашди. Туманда ўтадиган барча тадбирларда иштирок этиб, ёшларнинг Ватанга садоқатли ва фидойи бўлиб ётишишлари учун жон қуйдиради.

Қодир ШОДМОНОВ, «Mahalla» мухбири.

Тошкент вилояти

ОДАМЛАР МЕҲРИ УРУШ АСОРАТЛАРИНИ АРИТАДИ

Янгийўл тумани Ниёзбоз қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Намуна маҳалласи фуқароси Рихсатила Маҳкамов икки йилдирки, оғир хасталик туфайли тўшаққа михланиб қолган эди. Бир томондан кексалик, иккинчи томондан уруш асоратлари отахонининг саломатлигига путур етказди. Яқинлари, маҳалладошлари отахонини ёлғизлатиб қўйишмади, албатта. Лекин беомор кексанинг ногиронлик аравачасига зарурати кундан-кун ортиб борарди. Отахон ёрдам сўраб туман ижтимоий таъминот бўлимига, ўзи яшаётган маҳалла масъулари орқали "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасига мурожаат қилди.



Мана, Хотира ва қадрлаш куни арафасида Р.Маҳкамов мурожаати ижобий ҳал этилди, яъни отахонга ажратилган ногиронлик аравачаси уйига келтириб берилди.

СУРАТДА: хайрия ёрдами ташкилотчилари Рихсатила ота хонодониди.

— Одамлар меҳри қалбда уруш қолдирган асоратларни ариштига қодир қудратли куч экан, — дейди отахон дуога қўл оча туриб.

Саҳифадаги суратлар муаллифи Рашид ГАЛИЕВ.

Андижон вилояти

Ҳар йили 5 май куни Хонобод шаҳрига ажойиб комик актёр, Ўзбекистон халқ артисти, кулгу даргаси Сойиб Хўжаев хотирасини ёд этиш учун минглаб кулгу шинавадошлари келдилар. Шаҳарнинг ёзув маданияти ва истироҳат боғида асқичилар ва қизиқчиларнинг анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтади.

СОЙИБ ХЎЖАЕВНИ ЭСЛАБ...

Бу йил-ҳам шу куни Хонобод эрта тонгданок меҳмонлар ва кулгу ишқибозлари билан гавжум бўлди. Кўрик-танловга вилоятимиз, қўшни вилоятлардан таниқли асқичилар, миниатюра усталари, қизиқчилар ташриф буюрдилар. Тадбир иштирокчилари дастлаб Сойиб Хўжаев бюсти пойига гулчамбарлар қўйиб, у киши хотирасини яна бир бор ёд этишди.

Шундан кейин ижодкорлар уч номинация бўйича беллашдилар. Танлов якунига кўра, номинациялар бўйича совринли ўринларга қорасувлик асқичилар гуруҳи, Балиқчи туманидаги "Сўтақўзи" миниатюра театри ҳамда олтинқуллик сўз устаси Машхурбек Раимжонов лойиқ деб топилди. Ҳалибларга дипломлар ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

У.САКСОНБОВ, «Mahalla» мухбири.

Сирдарё вилояти

“МАҲОРАТ МАКТАБИ”

бу мактаб боёвутлик маҳалла тизими ходимлари иши ривожига асқотаяпти

Дарё қанча чуқур бўлса, шунча сокин оққани каби яхши инсонлар ҳам қилаётган эзгу амаллари ҳақида шовқин-сурон солмайдилар, камтар ва камсуқумликларича қолаверадилар. Ўзидан ана шундай яхши ном қолдирган юртдошларимиздан бири Абусайд Ашуралиев эди.

Абусайд ака 1924 йилда Боёвут туманининг Хўжамашкент қишлоғида таваллуд топди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида қон кечиб жанг қилди. Юртига қайтгач, қолган умрини яратувчилик ишларига, халқ хизматида бағишлади. Узоқ йиллар Ховос, Боёвут туманлари ва Янгиер шаҳарининг ижтимоий таъминот бўлимида фаолият кўрсатди. Т.Латипов номли жамоа ҳўжалигида турли вазифаларда хизмат қилган йиллари қишлоқ аҳлининг яқин маслаҳатчисига айланди, дарду қувончига шерик бўлди.

Ашурали ака 1993-2000 йиллар давомида Боёвут тумани уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши (ҳозирда "Нуроний" жамғармаси бўлинмаси)ни бошқарди. У "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси вазифасида ишлаган кезлари маҳалла оқсоқолларининг

жамоатчилик билан ишлаш борасидаги тажриба, билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор берди. "Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ўз олдидаги масъулиятни чуқур англаб, вазифаларини сидқидилдан адо этганлари сари маҳалла тизимининг мавқеи, салоҳияти ва обрўси ошиб бораверди", деб таъкидлар эди Абусайд ака.

Айни пайтда Боёвут туманида 36 та маҳалла мавжуд. Уларда фаолият юритаётган маҳалла фаоллари йиғин ишини ташкил этишда Абусайд Ашуралиев яратиб келган тажриба мактаби анъаналарига таяниб иш олиб бормоқдалар.

Ҳасан ЗИКРИЛЛАЕВ, «Маҳалла» жамғармаси Боёвут тумани бўлинмаси раиси.

АЙДАРКЎЛ БЎЙИДА ТАНТАНА

Қонимех туманида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари туман ҳокимлиги ҳамда "Нуроний" жамғармасининг туман бўлинмаси ташаббуси билан бир қатор даргоҳларга зиёрат сафарини уюштирдилар.

Туман марказидан махсус автотубсда йўлга тушган фахрийлар Нурота туманидаги Деҳибаланд қишлоғидаги муқаддас қадамжонини ҳамда Нурота чашмасини зиёрат қилишди. Шунингдек, улар Айдаркўл бўйида жойлашган "Нурота — Айдаркўл ва Янгиқўрғон" сайёҳлик марказида бўлиб, у ерда "Сорибел" ширкат ҳўжалиги томонидан фахрийлар шарофига ёзилган байрамона дастурхон атрофида йиғилдилар.

Тадбирда туман ҳокими Саъдулла Исмаилов ва "Нуроний" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Норбой Бекмуродовлар сўзга чиқиб, йиғилганларни Хотира ва қадрлаш куни билан қутлади. Фахрийларга ҳомийлар томонидан ҳозирланган совғалар топширилди.

Х.ШОПҲАТОВ

Тошкент шаҳри

ФРАНЦИЯЛИК ФАХРИЙЛАР МЕҲМОНИМИЗ

Пойтахтимизнинг "Пахтакор" футбол стадионида ўзбекистонлик ва франциялик футбол фахрийлари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Албатта, бу беллашуви Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилди. Беллашув 4:3 ҳисобида ўзбекистонлик фахрийлар фойдасига ҳал бўлди. Меҳмонлар беллашувдан сўнг Самар-

қанд ва Бухоро шаҳарлари томон йўл олишди, чунки франциялик фахрийлар бу қадимий шаҳарларни зиёрат қилишдан ташқари, у ерлик фахрийлар билан беллашувига ҳам аҳд қилишган. Фахрийларимиз томонидан совға қилинган ўзбек дўпписи франциялик меҳмонларга жуда ярашди.



Мамлакат ичарисида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларини, кексаю ёш оналаримиз, она-сингилларимиз қиш қаҳратониди дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи эмасдан, ўзи қиймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини, азоб-укубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эслаб бўладими?!

Ислом КАРИМОВ

БУРДА НОНИНИ БАҲАМ КЎРГАН ХАЛҚМИЗ!

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши курашда барча тинчликпарвар кучлар қаторида ўзбекистонликларининг жасорати ҳам тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олди. Халқимиз энг оғир ва даҳшатли кунларини матонат билан енгиб ўтди.

Эр йигитларимиз жанг майдонларида мардонвор курашган бўлса, заҳматкаш халқимизнинг фронт ортида меҳнат жабҳасида катта жасорат кўрсатгани ҳам тарихий ҳақиқат.

Ўз фарзандларини урушга кузатган ота-оналар, келинлар, фарзандлар — кексаю ёш фронт ортида туни тонгга улаб, сабр-бардош билан меҳнат қилдилар.

Ўзбекистондан минглаб кишилар узоқ ўлкалардаги қурилиш ва саноат корхоналарида меҳнат қилишга отланди. Масалан, Свердловск вилоятидаги қурилиш корхоналарида Ўрта Осиёдан сафарбар этилган 26 минг

840 нафар ишчи меҳнат қилди. Сибирдаги қон, қурилиш, саноат ва ўрмон кесиб ишларига ишчи батальонлари сифатида 1945 йил ёзига қадам ўзбекистондан 155 минг нафар киши сафарбар этилган. Шунингдек, Қорақалпоғистондан 25 мингдан ортиқ ишга яроқли аҳоли Свердловск, Пермь, Горький, Оренбург каби шаҳарларда ташкил этилган меҳнат батальонларида ишладилар.

Таъкидлаш жоизки, уруш давом этаётган оғир бир шароитда ватандошларимиз қисқа давр ичида тегишли мутахассисликларни, тажрибани эгаллашди. Албатта, бу жараён осон кечмаган. Меҳнаткашлар учун кийим-кечак, пойабзал, озик-овқат етишмасди. Сафарбар этилганлар ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, оғир меҳнат шароитларида фашизмни тор-мор келтириш йўлида матонат билан меҳнат қилди.

Ўзбек халқи Иккинчи жаҳон уруши йилларида меҳр-муруватлилик,

дўстсуярлик фазилатларини тўла намойён қилган ҳолда ўзининг азали анъаналарига содиқ қолди. Ҳамюртларимиз фашистлардан озод этилган ҳудудларни тиклаш ва ушбу ҳудудлар аҳолисини моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ишларида фаол қатнашдилар.

Кийим-кечак, озик-овқат маҳсулотлари, техника воситалари, чорва моллари, мева-сабзавотлар, ҳаттоки деҳқонларимиз қўллариди меҳнат қуролларини ҳам уруш жабдийдалари билан баҳам қўришганди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, ўзбекистонлик чорвадорлар ёрдам сифатида юборилаётган қўй ва эчкилар подасини Россиянинг белгиланган ҳудудларигача яёв ҳайдаб борганлар.

Дарҳақиқат, халқимиз ўша суронли йилларда юксак жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатди. Булар замирида эзгулик галабасига бўлган ишонч мужассам эди. Тарихдан яхши маълумки, халқимиз, аждодларимиз ўз тақдирини тинчликсевар халқлар, элатлар тақдирини билан боғлашга интиланган, озодлик, осойишталикни ҳар нарсадан улуг билган. Мана, Истиқлол йилларида бу ришталар янада мустаҳкамланмоқда.

Х.АЗИМОВ, тарих фанлари номзоди.

Самарқанд вилояти Табиат ва биз

Ўзбекистон табиатини, биохимия-хиллигини сақлаш ва асраб-авайлаш мақсадида 9 та давлат қўриқхоналари ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга. Ана шундай масканлардан бири Зарафшон дарёси бўйида жойлашган "Зарафшон" давлат қўриқхонаси бўлиб, бу ерда 200 дан ортиқ ҳайвонот ва наботот оламишнинг ноёб турлари жамланган. Қўриқхонага йўқолиб бораётган "Бухоро хон гули" кийиклидан 9 бош олиб келинган эди. Ҳозирда кийиклар сони 30 тадан ошди.

Бухоро оҳулари уларнинг сони 30 тадан ошди

Бу ноёб кийиклар, асосан Оролбўйи ва Амударё ёқаларидаги тўқайзорларда ҳаёт кечирган бўлиб, ўтган асрнинг 70 йилларига келиб шафқатсиз равишда ов қилиниши ҳамда тўқайзорларнинг ўзлаштирилиши оқибатида кескин камайиб кетган эди. Айни пайтда эса, уларни сақлаб қолиш, кўпайтириш ишлари юртимиздаги "Бадаи тўқайи", "Ромет", "Толдиқ тўқайи" каби қўриқхоналарда яхши йўлга қўйилган. Энди эса "Зарафшон" қўриқхонасининг бетакрор табиати, мусоаффо ҳавоси, кенг тўқайзорлари бағрида Бухоро оҳулари кўпайиб, эркин ва осойишта яшашмоқда.

Рустам ХАЙИТОВ, "Mahalla" мухбири.

Муъжизалар тарихидан

ТОШДАГИ ДОСТОН

Тожмаҳал деб аталувчи бу муҳташам ва муъжаз иншоот асрлар оша муҳаббат ва садоқат рамзи сифатида қадрланади


Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда бинокорлик тарихида биринчи бор оқ мармардан қимматбаҳо тошлар билан безатилган муъжаз тарихий ёдгорлик — Тожмаҳал бунёд этилган.

Тожмаҳал мақбарасининг қурилиш тарихи мана шундай: XVII асрнинг бошларида Шимолий Ҳиндистонда бобурийлар авлодидан бўлган Шохжаҳон ҳукмронлик қилар эди. Унинг сеvimли рафиқаси Аржуманд бону (Мумтоз Маҳал) бўлиб, малика ниҳоятда камтар, латофатли, поклик, гўзаллик тимсоли эди. Уткир ақл-идрок соҳибаси бўлиши Аржуманд бону ўзининг тадбиркорлиги, нозик табиати, ифпати ва тенги йўқ хусни билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонди. Мумтоз Маҳал бегим давлат ишларида эри Шохжаҳонга ёрдамлашар эди. У саройда шох маслаҳатчиси ва муҳдорлик лавозимларини эгаллайди. Мумтоз Маҳал бегим яхши кунларда ҳам, ҳарбий сафарларда ҳам эрига вафодор ҳамроҳ ва ҳамдард бўлган. Малика 1631 йили навбатдаги сафарлардан бирида Бурхонпур шаҳрида ўн тўртинчи фарзандини дунёга келтириш чоғида — 38 ёшида вафот этди. Мумтоз Маҳал ўлими оқибатда Шохжаҳондан фарзандларига меҳрибон бўлишини, бошқа уйланмаслигини ва ниҳоят, унга атаб дунёда тенги йўқ ҳашаматли бир мақбара бунёд эттириши илтимос қилади.

Шохжаҳон сеvimли маликаси Мумтоз Маҳал бегимнинг васиятларини бажаради. Вафодор рафиқасининг номини абадийлаштириш мақсадида

унга атаб ялтироқ оқ мармардан мақбара қурдиради. Мақбарага Мумтоз Маҳалнинг бошига қўйилган тож рамзида "Тож Маҳал" деб ном беради. Шундай қилиб мақбара истевдодли турк меъмори, устод Муҳаммад Исохон афанди лойиҳаси ва унинг бошчилигида 1632-1650 йиллар давомида бунёд этилади.

Тожмаҳал мақбарасининг қурилишига Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Ироқ, Арабистон ва Ҳиндистондан, ҳатто Европадан қўлигул меъморлар тақдир этилган. Самарқандлик танкили меъмор Муҳаммад Шариф бош меъмор Исохон афандининг ёрдамчиси бўлган. Бухоролик ҳайкалтарош Ота Муҳаммад эса мақбара гўмбаси чўққисига ўрнатилган ва жуда мураккаб шакли наъзани ўрнатишда қатнашган. Шунингдек, Ота Муҳаммад қурилган иншоотнинг моҳир ҳайкалтароши бўлиб хизмат қилган. Шохжаҳон мақбара қурилишига бевосита ўзи раҳбарлик қилган. Бунёдкорлик ишлари кенг қўламада бошланиб, қурилиш материаллари мамлакатнинг турли бурчақларидан Агра шаҳрига келтирилган. Шунингдек, Бағдоддан ҳақиқ, Бадахшондан ёқут, Нилдан



гранит, Россиядан зумрад, Ҳинд океанидан мармарид, Тибетдан феруза, Цейлондан садаф келтирилган. Ушбу қимматбаҳо тошлар қабртош ва мақбара деворларининг безағига ишлатилган.

Улкан ва бетакрор нақшлар билан сайқалланган ушбу мақбарани бунёд этиш ҳаёраёнда 20 мингга яқин кувчилик қатнашган. Мақбара катта бир боғнинг ичда жойлашган. Унинг уч томони баланд қизил девор билан ўралган, бир томони эса Жамна дарёсига бориб тақалади. Тожмаҳалнинг тўрт томонида бинолар қурилган. Мақбара билан бинолар орасида хиёбонлар барпо этилган. Хиёбонлар

да манзарали дарахтлар, гуллар экилган. Шамшод дарахтлари ва турли-туман гуллар, нилуфарлар билан ўралган хиёбонлар, суви отилиб турган жозибали давралар ҳамда олтин баликлар сузиб юрган ҳовуз бўйлаб мармар майдонга чиқилади. Улкан ва салобатли мақбара шу майдонда савайт тўқиб турибди. Мақбара устига битта катта ва тўрт томонига тўртта кичик гўмбаз қурилган. Мақбаранинг тўрт томонида эса гўё уни қўриқлаб тургандек баланд миноралар кўкка буй чўзган.

Жимкимадор нақшлар йўқ ишланган мармар эшикдан мақбара ичкари-сига кирилади. Сақиз бурчакли катта зал, унинг ўртасида Мумтоз Маҳалнинг, чап томонида Шохжаҳоннинг сағанаси жойлашган. Хар иккала сағананинг нақш безаклари бир-бирига ўхшаш. Тарихчи, меъморлар ва санъаткорлар Тожмаҳал мақбарасини бобурийлар яратган барча обидаларнинг чинакам тожи деб атайдилар.

Гўзалликда тенги йўқ ушбу мақбара Ҳиндистонда шу қадар машҳурки, унинг тасвирини ҳар қадамда учратасиз. Машина деразаларида, дўконлар, масжидларда, сартарошхоналарда Тожмаҳал сурати осиб қўйилган. Ҳиндистон гиламлари, лаган ва пиёла-ларидо ҳам мақбаранинг гўзал қиёфаси акс этган. Унинг мармар ва фил суяғидан, садафдан, гипсдан жажжигина қилиб ясалган шакли ҳамма ерда сотилади. Бу ерга ҳар йили дунёнинг турли бурчақларидан юз минггаб сайёҳлар келишади.

Ха, тенги йўқ бу ҳашаматнинг таърифини сўз билан ифода этиш қийин. Зеро, Тожмаҳални кўрган ва гўзаллигидан ҳайратланган кишилар уни "Тошдаги достон", "Мармарга битилган орзу", "Севги ҳайкали", деб бежизга таъриф этишмаган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ



МУҲАЖЖИМЛАР МАБЕУРИ

КҮЙ (21.03-21.04)

Ушбу ҳафтада сиз кутилмаганда мўмай даромадга эга бўласиз. Севган инсонингиз билан муносабатдо тушунмовчилик юзага келиши мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)

Пул билан боғлиқ масалалар ечимини кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Жумда янги танилар орттиришингиз эҳти- молдан холи эмас.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ҳафта давомида ҳамкорларингиз сизга кутилмаган соғва тақдим қилишлари мумкин. Шанба кунини саломатлигингизга хи- дийди эътибор беринг.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ҳафтанинг биринчи ярмида кўпроқ дам олишга ҳаракат қилинг. Негаки, кейинги кунларда янги ҳамкорлар билан тинимсиз ишлашингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни кунларда дўстларингиз билан дийдорлашасиз. Пай- шанба ва шанба кун- лари оилангизда музо- карали вазият юзага келишидан сақлингиз.

ПАЗИЗОД(23.08-22.09)

Ушбу ҳафтада ха- ёлингизни бир жойга жамлаб, ҳужжатла- рингизга эҳтиёт бўлинг. Билим олиш, саёҳатга чиқиш билан боғлиқ масалалар ижобий ҳал бўлади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Кўп асабийлаша- веришингиз оқибати- да атрофдагилар бил- ан тортишиб қоли- шингиз мумкин. Шу кунларда молиявий масалалар билан шу- гулланманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳафтанинг бирин- чи ярми ижод билан шуғулланиш учун қулайдир. Дам олиш кунлари яқинларингиз ҳақида бирор ху- лосага келишга шо- шилманг.

УКОТАР (23.11-21.12)

Айни кунларда ҳамма ишни бирда- нга уйдатишга урин- мангизнингиз маъқул. Акс ҳолда ҳаётингиз- да чалқашликлар юзага келиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ушбу ҳафтада ташкилий ва маъму- рий ишларни ижобий ҳал қилишга имкони- ятлар етарли. Хар қандай вазиятда ҳам сабрли бўлишга ҳара- қат қилинг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Чоршанба ва пай- шанба кунларини дўстлар даврасида ўтказинг. Ҳамкорлар билан муносабатдо келишмовчиликлар келиб чиқиши эҳти- мол бор.

БАЛИК (19.02-20.03)

Шу кунларда шах- сий ҳаётингизда ўга- ришлар рўй бериши кутилмоқда. Жума ва шанбада табиат қўйнида дам олган- ингиз маъқул.

Хоразм вилояти

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишон- лашга қадим воҳа — Хоразмда ҳам қизғин тай- ёрғарлик қўрилмақда. Бу борада вилоят ҳоким- лиги томонидан тадбирлар режаси белгиланган.

САМАРҚАНД ТҮЙИГА ХОРАЗМ ТУҲФАСИ

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган юбилей шодиёна- ларида намойиш этиш учун хоразмлик санъаткорлар ало- ҳида дастур тайёрлашапти. "Хива — Карпет" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида Самарқанд обидалари акс эттирилган соғвабоп гиламлар тайёрланди. Комил Хораз- мий номли МЧЖ жамоаси тарихий мақбараларнинг тасви- рини сопол бўмларда акс эттиради.

Ақборот ресурс марказларида Самарқандда таваллуд топ- ган, яшаган, ижод қилган олимлар, шоир ва санъаткорлар, рассомлар фаолиятини тўлиқ ўрганиш мақсадида тадбир- лар ўтказилмоқда. Вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб- ҳунар таълими бошқармалари, халқро "Олтин мерос" ҳамда "Маҳалла" жамғармаларининг вилоят бўлимлари ўзаро ҳам- корликда «Самарқанд ва Хоразм тарихининг қадим илди- злари» мавзусида суҳбатлар, кечалар уюштирилади.

Вилоят марказидаги "Суратлар галереяси"да Самарқанд- дининг кечгаги ва бугунги манзараси тасвирланган санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Абдулла САФОВЕВ, "Mahalla" мухбири.

ГУЛЗОРДАН НАВО ТАРАЛАЙТИР

Урганч шаҳридаги Гулзор маҳалласи ҳудуди- даги санъат йўналишига ихтисослашган 24-уму- мий ўрта таълим мактабида 535 нафар ўқувчи билим олади. Ёш истеъдод эгаларида юртимиз санъатининг билимдонлари — тажрибали ус- тозлар мусиқа ва тасвирий санъат сир-асро- рларини иштиёқ билан ўргатиб келмоқда.

— Мактабимиз ўқувчилари орасида истеъдодли ёшлар кўп, — дейди мактаб директори Зарифбой Иброҳимов. — Уларнинг халқро ва республика миқёсидаги бир қатор кўрик-танловлар ва фестивалларда муваффақиятли ишти- рок этиб, совринли ўринларни кўлга киритаётганлиги биз- нинг ютуғимиз.

— Мактабнинг ёш санъат илҳосмандлари маҳалламизда ўтказилаётган турли тадбирларда, айниқса, байрамларда давраларга завқ улашмоқда. Улардан кечис миннатдор- миз, — дейди Гулзор маҳалласи фуқаролар йиғини раиса- си Саломат Очилова.

СУРАТДА: мактабнинг мусиқа йўналиши мутахассиси Неймат Мадраҳимов шогирдини синовдан ўтказмоқда.

Уағм

ОНАНГИЗНИ НЕГА ҲАҚОРАТЛАЙСИЗ?

ёхуд ҳадис сабоғини уқмаганлар

Танишимни кутиб ўтирган эдим, икки йилгача ниманидир келиши олмай, бахслашайтган экан. Кўришимдан ҳавас қилгудек бу йилгитларнинг озгидан боди кириб, шоди чиқаяпти. Ҳаттоки ёнида аёл киши — мен турганимга ҳам эътибор бермай, озгини тўлдириб ҳақоратлашаверди.

— Кечирасиз, гапингизга аралаш- моқчи эмасдим, лекин чидай олмадим. Ёнингизда аёл киши турганини эъти- борга олмасангиз ҳам, оналарингизни бунчалик беҳурмат қилманг, — дедим. — Сиз билан гаплашаётганимиз йўқ. Бизга ақл ўргатманг! — дея жавоб қилди улардан бири. Шериги гапни кўпайтирмадик учун, кечирим сўраган киши бўлди-да, уни нари судраб кетди.

Қадди-қомати келишган, ораста кийинган бу йилгитлар шу гаплари билан бир-бирларини эмас, балки ўз оналарини ҳақорат қилганини наҳотки англаб етмасе...

Куча-қўйда, шаҳар жамоат транс- портларида баъзи болаларнинг, ҳаттоки, аллқомат йилгитларимизнинг

кундалик муомаласида, ўзаро ҳазили- да нолойиқ сўзларни эшитиш қоламиз. Бу гаплар улар учун шунчалик оддий бўлиб қолганки, ҳеч иккиланмасдан қария ва хотин-қизларнинг ёнида ҳам ишлатаверишади.

Имом ал-Бухорийнинг "Ал-жомийъ ас-саҳих" китобидаги бир ҳадис ёдимга тушди: "Расулуллоҳ салоллоху алайҳи васаллам: "Одамлар қилади- ган гуноҳи азимлардан бири ота- онасини ҳақорат қилмоқдир!" — деди- лар. Шунда: "Ё Расулуллоҳ, одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат қилмоғи мумкин?" дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: "Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур", — деб жавоб қилдилар."

Мавлуда ҚУРБОНОВА

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

"...Иш бажариш (хизмат кўрсати- ши) жараёнида аниқланган нуқсон- ларни бартараф этиш мuddатлари шартномада белгилаб қўйилади. Ба- жариш иш (кўрсатилган хизмат)- даги нуқсонлар, агар шартномада бирмунча қисқароқ мuddат белгилан- маган бўлса, истеъmolчи талаб қил- ган кундан эътиборан йилгирма кун ичда ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгилан- ган мuddатда бартараф этилганга, шунингдек иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъmolчига ҳар бир кечиктирилган кун, соғат (агар мuddат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қиймати- нинг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқ- доридо неустойка (пеня) тўлайди..."

"Истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Респуб- ликаси Қонунининг 19-моддасидан.

Утерьяный диплом К № 028377 выданный в 2006 году Ташкентским- Финансово-экономическим коллед- жем на имя Шариповой Камолан Алияджановны считать действитель- ным.

С.Рахимов туманидаги "АЛ-Ғ" ху- сусий корхонаси "АЛ-Ғ" МЧЖга ай- лантирилди ва "АЛ-Ғ" хусусий кор- хонасининг барча ҳуқуқ ва мажбури- ятларини олувчи ҳисобланади. Тел: 391-29-29.

Учтепа тумани Миллий хунарман- дилик касб-ушун коллежи томони- дан 2004 йил 23 июнда Элмираева Севара Абдиқаҳорвна номига бе- ришган К 006098 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисоб- ланади.

Утерьяную лицензию N TN 002302 на право занятия адвокатской дея- тельностью выдана 22 февраля 2005 г. Министерством Юстиции РУз на имя Мухутдинова Руслана Маратовича счи- тать действительным.

Утерьяные Устав и Учредительный договор узбекско-чешского СП "MK Style" считать действительным.

Учтепа тумани (А.Икромов) БТИ дан 17.06.1998 йилда берилган олдид- сотди шартномасига асосан Зоирова Инобат Жураевна номига расмийлаш- тирилган Чилонзор 31-52-212 хона- доний уй ҳужжатлари лани йўқолган- лиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани С.Машаққий кўчаси 186-уйда жо- йлашган "SHIRIN OY-SUDA" М.Ч.Ж.Ч.Э.К. (ОКПО бўйича коди 19321354) тугатилмоқда. Ариза ва шикоятлар эълон чоп этилган кундан эътиборан 2 ой давомида қабул қили- нади. Тел: 157-59-10

Утерьяная круглая печать и угло- вой штамп ООО "Милленум дизайн" Мирзо Улугбекского р-на считать не- действительным.

ЧФ "AS SANH TIBVIYOT" (код по ОКПО 17859131, ОКОНХ 91514) С.Ра- химовакского р-на г.Ташкента ликви- дирована. Претензии принимаются в те- чении одного месяца со дня публика- ции по тел: 396-04-33

ЧФ "KIA-SAVDO" (код по ОКПО 19096119) объявляет о реорганизаци- и на ЧП "KIA-SAVDO". Претензии принимаются в течении одного меся- ца со дня публикации объявления по адресу: г.Ташкент ул.Х.Абдуллаева 89, тел: 169-04-54

Утерьяную круглую печать выдан- ный на ЧП "Мухаммад Зуфар" Ҳам- зинского района считать недействи- тельным.

Турфа олам, турфа тақдирлар

Анча вақтлар илгари Шотландиядаги кич- кинагина уйчада икки дўст яшар эди. Улар- дан бирининг исми Жон, иккинчисиники эса Бобби эди.

СОДИҚ ДЎСТ ҲАҚИДА...

Жон билан Бобби бой бўлмасалар-да, лекин жуда бахтли эдилар. Ташқарида совуқ бўлганида, улар уйларидаги печка яқинида узоқ вақт исиниб ўтиришар, қорилари очганда эса мазали овқат тайёрлаб ейишарди. Улар ёлғизлиқни ҳис қилиш- масди, чунки ҳаммиса бирга эдилар-да.

Жон ҳамда Бобби узоқ сайрга чиқишни жуда ёқтиришарди. Сайрдан сўнг, одатда Жон тушлик тайёрлашга киришиб кетарди. Тушликдан кейин эса, икки дўст олов ёнида бирга ўтирардилар. Улар оддий, лекин яхши ҳаёт кечирардилар, десак ҳам бўлади.

1858 йилнинг баҳоридо Жон тўсатдан қандайдир касалликка чалиниб, оламдан кўз юмди. Уни Шотландиянинг Эдинбург шаҳ- ридаги қабристонга дафн қилдилар. Жон дафн этилган, Бобби дўстининг қабри ёнида туриб узоқ йилгиди. "Кўй энди, Бобби, юр, уйга кетамиз", — дейишди дўстлари. Ниҳоят Бобби уйига қайтди. Аммо бироздан сўнг у яна қабристонга қараб йўл олди. Жоннинг қабри яқинида ўтириб олганча тунни шу ерда ўтказди.

Бобби ундан кейинги кунлари ҳам қабристонда қолиб кетди. Сўнгги 14 йил давомида Бобби қабристонни тарқ этмади. Ёмғир ёққанда, совуқ кунлари у қабристондаги уйчада ухлайди. Ҳаво иллик бўлиши биланок у Жоннинг қабри ёнида ётарди. Ниҳоят, 1872 йилда Бобби ҳам вафот этди. Дўстлари уни Жоннинг яқинидаги кичкинагина қабрга дафн этдилар.

Табиий савол туғилади: Ҳўш, нима учун Боббининг қабри кичкина эди? Чунки, Жоннинг энг яхши дўсти бўлиш Бобби — ИТ эди-да...

Шотландияда ҳозир ҳам бу итнинг номини ҳурмат билан эслайдилар. Ҳаттоки, унга атаб ҳайкал ҳам қўйилган. Хар йили минглаб сайёҳлар "Ўз эгасига содиқ бўлган ит — Бобби"нинг ҳайкалинини кўргани Эдинбург шаҳрига келишади.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Тахрир хайъати:

- Анвар АХМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам КОСИМОВ, Раҳмон КЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда КОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ.

Тахририят ўзи буюртма бермаган ҳолда тахририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналиши- ни ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Тахририят бун- дай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганли- ги учун ҳисобдор эмас. Тахририятга келган шикоят мақбулларидан фақат тах- ририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Тахририят унга очми ясаш масъулиятига эга эмас. Газета тарғиботи учун ҳажми 10 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланган, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобук. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93 Тел/Факс: — 133-44-25 Масъул котиб: 136-53-75 Котибхона — 136-55-69 Хатлар бўлими: 136-57-62